Куч — адолатда

2014 йил
15 август,
жума
№ 33 (494)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

МАНГУ ПОРЛАЙВЕРСИН ҚУЁШИНГ, ВАТАН!

Уйдан шошиб чиқдим. Ишга кеч қоляпман. Таксига ўтирдим. Ҳайдовчига шошаётганимни айтиб, иложи бўлса, тезроқ ҳайдашини сўрадим. Йўл тирбанд. Кайфиятим тушиб, ҳайдовчига қараб қўяман. У хотиржам. Юзида майин табассум. Худди менинг аҳволимдан кулаётгандек.

— Замонамиздан айланай, — дейди у. — Қаранг, йўлларимиз торлик қилиб қолди-я? Бир пайтлар бу йўллардан ўтаётган автомобилларни бармоқ билан санаса бўларди, энди уларнинг ҳаракатидан ақлинг шошади. Яна ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Унинг бу гапларини олдинига "айб менда эмас, йўл тирбанд, секин юришга мажбурман" қабилида қабул қилдим. Олдимизда кетаётган машиналарни кузатиб, ҳайдовчининг мамнунлиги сабабини тушунгандек бўлдим.

Юрагимни фахр ҳисси чулғаб олди. Шошганимизда кўнгилни бироз хира қиладиган бу ҳолдан аслида хурсанд бўлишимиз, ғурурланишимиз керак эмасми? Йўлларимизда кун сайин кўпайиб бораётган машиналар мамлакатимиз иқтисодий қудратининг намоёни эмасми?

Дарҳақиқат, бугун жаҳон бозорида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган маҳсулотлар тури ва ҳажми тобора кўпайиб бораётир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар хорижда ҳам ғоят харидоргирлиги чет эл оммавий ахборот воситаларида мунтазам қайд этилади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз автосаноати изчил тараққий этди. Автомобилсозлик корхоналари кўпайиб, маҳсулот тури ва ҳажми кенгайди. Бугун "GM Uzbekistan", "Sam Auto", "JV MAN Auto - Uzbekistan", "General Motors Powertrain Uzbekistan" сингари кўплаб корхоналарда енгил ва юк автомобиллари, автобус, махсус машиналар, двигатель, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Тинчлик ва осойишталик барқарор юртдагина мана шундай тараққиёт бўлади.

Истиқлол шарофати билан ўзлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни англадик, бунёдкор ва яратувчи халқ сифатида мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини бутун оламга намоён қила олдик.

Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу тамойилнинг амалий ифодасини бугун барча соҳаларда, турмушимиздаги ўзгаришлар мисолида кўриб турибмиз.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

СУНЬ Лицзе:

«ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ»

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг икки давлат раҳбарларининг алоҳида эътибори ва ташаббуслари самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Барча соҳаларда изчил давом этаётган алоқалар барқарорлик ва тараққиётга эришиш йўлида мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе билан суҳбатлашди.

— Хитой Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорликни юксак баҳолайди, — деди элчи Сунь Лицзе. — Тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқи доно ва узоқни кўра биладиган раҳбар, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Мамлакатингиз жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан муносабатларни муваффақиятли ривожлантираётгани ва минтақада хавфсизликнинг ишончли кафолати экани халқаро даражада эътироф этилган, унинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти муносиб баҳоланмоқда. Давлат суверенитети ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, давлат қурилиши, миллий ўзликни англаш даражасини юксалтириш, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил ўтиш, мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратиш борасида эришилган юксак самаралар Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатингиз шартларига тўлиқ жавоб берадиган ривожланишнинг "ўзбек модели" нечоғли тўғри ҳамда пухта ўйланганидан далолат беради. Халқ турмуш даражасини ошириш, аҳолининг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг мақсади ва моҳияти барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг асосий омилига айланмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, суд орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда процессуал муддатлар муҳим ўрин тутади. Фуқаролик процессуал кодексининг 348[1]-моддасида белгиланган муддатга кўра, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар кассация шикояти бериши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Tahlil, taklif va mulohaza

Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти

амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан баъзи таклифлар

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Агар кассация шикояти билан мурожаат қилиш муддати ўзгартирилиб, 6 ойлик муддат белгиланса, барча муддатларни ҳисоблаганда, кечи билан 6 ой+20 кун+1 ой+20 кун, жами 8 ой 10 кунда (1 йил 2 ой 10 кун ўрнига) ишни кассация инстанциясида мазмунан кўриб ҳал қилиш имконияти яратилади.

Фуқаролик ишларини судларда қисқа муддатларда кўриб, низо бўйича узил-кесил қарор қабул қилинишини таъминлаш учун қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш, яъни назорат тартибида ишларни кўриб чиқиш муддатларига ҳам тегишли ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Мамлакатимизни демократик янгилаш йўлидаги муҳим қадам

Маълумки, ҳар бир мамлакат ўз халқи манфаати ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилигини яратади ва уларни такомиллаштириб боради. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, у ҳамиша ривожланишда, шунинг учун ҳам бизнинг олдимизга янги ва янги вазифаларни қўяди. Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун эса, Конституциямизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда.

Шу маънода мамлакатимиз Конституцияси қонунларимизнинг асоси сифатида ҳуқуқий давлат қурилишида, фуқаролик жамияти барпо этишда, фуқароларнинг барча ҳуқуқлари кафолатлари таъминланишида муҳим мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий давоми бўлган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди, бир қатор янги қонунлар қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Қонуний тузилган битим

тарафлар манфаатига хизмат қилади

Маълумки, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси миллий қонунчилигимизнинг асосини ташкил этади. Жумладан, фуқаролик қонунчилигида мулкнинг дахлсизлиги, шартноманинг эркин тузилиши, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликларсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар суд орқали ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида фуқароларнинг мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Айниқса, ҳозирги кунда долзарб бўлган мажбуриятлардан бири олди-сотди муносабатларига фуқаролик қонунчилигида алоҳида ўрин берилган.

Мамлакатимизда амалдаги Фуқаролик кодексининг 386-моддасида олди-сотди шартномасига аниқ ва тушунарли таъриф берилган. Жумладан, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса, бу товарни қабул қилиш ва унга мутаносиб равишда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, олди-сотди шартномаси бўйича сотилган ашё (товар)га нисбатан мулк ҳуқуқи сотувчидан сотиб олувчига ўтади ва бу ҳолат шартноманинг энг асосий белгиси ҳисобланади. Бунда товарлар муомаласида бевосита товар эгалари, яъни бу товарларни тасарруф қилишга ҳақли бўлган шахслар иштирок этади.

(Давоми иккинчи бетда)

Mas`uliyat va majburiyat

Йўл ҳаракати қоидалари

унга ҳайдовчиларнинг ҳам, пиёдаларнинг ҳам қатъий амал қилиши хавфсизлик кафолатидир

Ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда. Кўчаларимизда енгил автомашиналарнинг сони тобора ортиб бораётгани ҳам бу фикримизнинг далилидир. Албатта, автомашинани бошқариш, умуман айтганда, транспорт воситасидан оқилона фойдаланиш, аввало, ҳайдовчи зиммасига катта масъулият юклайди.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар тоифасига кимлар киради?

Ф.ҚОБИЛОВ,
Чуст тумани

— "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунинг 22-моддасида бу борада сўз юритилган бўлиб қуйидаги шахслар васий ёки ҳомий этиб тайинланиши мумкин эмас:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки ота-оналик ҳуқуқлари чекланган шахслар;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олиш уларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги оқибатида бекор қилинган бўлса;

ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ёхуд ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганлиги учун васий ёки ҳомий мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган шахслар.

— Узоқ йиллар давомида битта корхонада ишладим. Ўтган йили соғлиғим туфайли ўз хоҳишимга биноан ишдан бўшадим. Аммо меҳнат дафтарчамни турли сабабларга кўра ололганим йўқ. Бундай ҳолатда қандай йўл тутишим керак?

Шухрат Тўлаганов,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

— Маълумки, "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.



Иш берувчининг айби билан (масалан, моддий жавобгар ходим ўзига бириктирилган анжомларни вақтида топширмагани баҳона қилиниб) меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшатилган куннинг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Ходим ишдан бўшаганда меҳнат дафтарчасини олгани тўғрисида шахсий варақага (Т-2) ва ходимлар бўлимидаги ҳисобот дафтарига имзо қўяди.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида хабарнома жўнатади (бошқа хатлар ҳисобга олинмайди). Ходимнинг меҳнат дафтарчаси яшаш жойига фақат унинг розилиги билан почта орқали жўнатилади.

— Турмуш ўртоғим вафот этгач, укам С.Раҳимов 1990 йилда менга ўзига қарашли уйини ҳадя сифатида берган эди. Мана шу уйда 24 йилдан буён фарзандларим, набираларим билан истиқомат қилиб келаяпман. Аммо укамнинг ўғли М.Раҳимов 2011 йилдан бошлаб оиламнинг тинчини бузиб, уйни бўшатишимни талаб қилаяпти. Айтинг-чи, у бунга ҳақлими?

Назокат Тошева,
Сурхондарё вилояти,
Сариосиё тумани,
Мустақиллик кўчаси

— Маълумки, Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчаси ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли молмулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Демак, сиз ушбу ҳолда низолашаётган мулкингизни ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

СУНЬ Лицзе: «ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ»

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланиб бораётгани танланган моделнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Бу иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, экспортнинг диверсификация қилинаётгани, хорижий инвестициялар ҳажми тобора ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Ушбу ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Иқтисодиётда ўз вақтида изчил чоралар қабул қилган Ўзбекистон глобал инқироз таъсиридан зарар кўрмади. Айнан мана шу омил давлатингиз раҳбари моҳир иқтисодчи ва буюк етакчи эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистонда ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми ўқув муассасаларини барпо этиш, таълим шароитларини яхшилаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида таълим соҳасига йўналтирилаётгани эътиборга лойиқдир. Бу, ўз навбатида, таълим сифатини юксалтириш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тарихан қисқа вақт ичида мамлакатингизда эришилган оламшумул ютуқлар билан фахрланса арзийди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг икки томонлама муносабатларни замон талаблари асосида ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Ўзбекистон билан Хитой ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?

— Хитой ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар икки минг йил аввал, Буюк ипак йўли давридаёқ ривожланган. 1992 йил Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни ўрнатди. Ўтган 22 йил давомида мамлакатларимиз раҳбарларининг бевосита мунтазам алоқалари, халқларимизнинг ўзаро манфаатли саъй-ҳаракатлари натижасида Хитой-Ўзбекистон муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш борасида ижобий тенденция сақланмоқда.

Айни пайтда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳалардаги муносабатлар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўплаб икки томонлама муҳим ҳужжатлар асосида жадал ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитида иштирок этгани ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашгани икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш Хитой дипломатиясининг устувор йўналишларидандир. Хитой ҳукумати Ўзбекистоннинг миллий ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ҳам, ўз навбатида, Хитой халқига ёрдам беришга ҳар доим тайёр. Томонлар анъанавий дўстликни қадрлайди, ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

Хитой ҳукумати ҳар йили Ўзбекистон ёшларининг мамлакатимиз олий ўқув юртларида бепул таълим олиши учун 200 га яқин ўрин ажратади. Ўзбекистонга ўқиш учун келаётган хитойлик ёшлар ҳам кўпаймоқда.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида катта имкониятларга эга. Томонлар "ўзаро манфаатдорлик ва умумий муваффақият" тамойилига амалга қилган ҳолда ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги бевосита алоқаларни мунтазам кенгайтирмоқда. Ҳамкорликни ривожлантиришдан катта манфаатдорлик туфайли ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам жадал суръатлар билан ўсмоқда. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида 482 қўшма корхона ташкил этилган, етмишдан зиёд компанияларимиз ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Айни пайтда инвестиция ҳамкорлиги кўлами ҳам мунтазам кенгаймоқда. Хитойлик кўплаб ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига қизиқиш билдирмоқда, мамлакатингизга инвестиция киритиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишни режалаштирмоқда. Бугун Хитой Ўзбекистон бозоридаги энг йирик инвестор ва мамлакатингиз билан ташқи савдо муносабатларида иккинчи ўринда туради. Бу эса ҳар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг юксак сиёсий обрўэътибори ва иқтисодий салоҳияти халқаро майдонда тан олинган. Мамлакатингиз минтақа тараққиёти ва фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Ёқилғи-энергетика комплексида ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё - ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши юксак даражадаги ишонч ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради.

Хитой компаниялари Ўзбекистондаги углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш жараёнида қатнашмоқда.

Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашдаги кўпқирали алоқаларда алоҳида мавқега эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатнинг маданият ва санъат вакиллари ўртасида ҳам самарали ва фаол муносабатлар йўлга қўйилган. Хитойлик мусиқачи ва хонандалар Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 2013 йили фестивалда Хитойдан катта делегация қатнашди. Сиань ва Самарқанд шаҳарлари, Шааньси провинцияси ва Самарқанд вилояти ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани, икки давлатнинг тўғридан-тўғри алоқалари изчил ривожланиб бораётгани бизни беҳад қувонтиради.

— Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик — миллат келажаги ҳақида ғамхўрликдир. Зотан, соғлом ва баркамол авлод давлат фаровонлигининг пойдевори ҳисобланади. Шу боис Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши таҳсинга лойиқ. Бу мамлакатингизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

Жамиятда маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш халқингизнинг олижаноб фазилатларидан. Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган катта эътиборни юксак баҳолаймиз. Ушбу йўналишдаги кенг кўламли ишлар мамлакатингизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилаётгани кишини қувонтиради. Бу ислоҳотлар самарасида оналар ва болалар ўлими анча камайди, аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ошди.

Ўзбекистонда спорт баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатингизда спортни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилган. Барча шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт комплекслари барпо этилган.

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати салоҳиятини қандай баҳолайсиз?

— Инсон саломатлиги, унинг узоқ умр кўриши ва ҳаёт даражаси тўғри ва хавфсиз овқатланишга бевосита боғлиқ. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири. Шу маънода жорий йил июнь ойида Тошкентда "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция муҳим аҳамиятга эгадир. Конференция бутун дунёдан ташриф буюрган соҳа олимлари ва мутахассисларига озиқ-овқат захирасини шакллантириш масаласи юзасидан ўзаро фикр алмашиш, Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш имконини берди. Тадбир доирасида иштирокчилар мамлакатингиз боғдорчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар, уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва тўпланган тажриба билан танишди.

Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани самарасида Ўзбекистонда ҳар бир соҳа, шу жумладан, озиқ-овқат саноати жадал ривожланмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатингизда ҳаётга татбиқ этилган туб ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни экспорт қилиш имконини берди. Серқуёш Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ўзининг мазали таъми, табиийлиги ва хилма-хиллиги, юртингиз бозорлари азалдан тўкин-сочинлиги билан дунёга машҳурдир. Шу боис хорижлик мутахассислар мамлакатингизда мева етиштириш услублари билан қизиқмоқда. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналарининг изчил модернизация қилинаётгани, маҳсулот турлари кўпаяётгани ва сифати яхшиланаётгани мақтовга сазовор.

Хитойлик кўплаб олиму мутахассислар, тадбиркорлар ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон билан қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини таъкидлашни истардим. Зеро, мамлакатингиз ушбу соҳада катта салоҳиятга эгадир.

— Тинчлик ва осойишталик — фаровонлик асоси. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат тараққиёти жамиятдаги тинчлик, барқарорликка боғлиқ. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат юритмоқда, бошқа давлатлар билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилиш, тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш тарафдори. Ушбу тамойилларга қатъий риоя этилаётгани туфайли Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланмоқда. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳам юксак самара бермоқда. Мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик Ўзбекистон халқининг энг катта бойлигидир.

— Суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида кечмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқига тилакларингиз.

— Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, бу сана — катта байрам ва шу билан бирга, мамлакатингиз тараққиёт йўлининг муҳим босқичидир. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан самимий муборакбод этаман. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари изчил ўсишини, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқингиз барча соҳаларда улкан ютуқларга эришишини тилайман. Ўзбекистонга фаровонлик, куч-қудрат, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

ЎзА мухбири
Ирода УМАРОВА
суҳбатлашди.

Fuqarolik qonunchiligi

Қонуний

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шартномада тараф сифатида фуқаро қатнашганда у муомала лаёқатига эга бўлиши шарт. Бинобарин, вояга етган, яъни 18 ёшга тўлган ва қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган ҳар қандай шахс шартномада тараф сифатида иштирок эта олади.

Умумий қоидага кўра, олди-сотди шартномасининг муддати муҳим шарт ҳисобланмайди. Аммо маҳсулот етказиб бериш ёки кредитга маҳсулот сотиш шартномаларида тўлов муддатини кечиктириш муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 389-моддасига кўра, сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятини бажариш муддати олди-сотди шартномасида белгиланади, агар шартнома бу муддатни аниқлаш имконини бермаса, у сотувчи талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажарилиши шарт.

Шу ўринда суд амалиётига эътибор қаратсак, даъвогар У.Расулов жавобгарлар А.Хушвақтов ва А.Михайловга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда давлат нотариал идорасида 2009 йил 29 майда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва даъво предметини ўзгартириб, шартнома бўйича қолган пулни фоизи билан ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилган.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар У.Расулов 2009 йил 29 сентябрда нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасига биноан ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган Гулистон шаҳар, Алишер Навоий номидаги кўчада жойлашган ишлаб чиқариш цехини А.Хушвақтов номидан ишончнома орқали ҳаракат қилувчи А.Михайловга 76.000.000 сўмга сотган.

Фуқаролик кодексининг 479-моддасига кўра, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топшириши (ушбу кодекснинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади, 480-моддасига биноан, кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади (ушбу кодекс 366-моддасининг тўртинчи қисми), 366-моддасига асосан, нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса, шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

Даъвогар У.Расулов биринчи инстанция суди жараёнида даъво предметини ўзгартириб, даъво талабида фақатгина шартнома бўйича қолган пулни фоизи билан бирга ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 40-моддасига мувофиқ, даъвогар ўз аризасида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли.

У.Расулов ва А.Михайлов ўртасида имзоланган олди-сотди шартномасининг 3-бандига кўра, тарафлар томонидан 76.000.000 сўмга баҳоланган ишлаб чиқариш цехи биноси учун даъвогар У.Расулов 34.200.000 сўмни олган ва қолган 41.800.000 сўм пулни эса, сотиб олувчи бир ой муддат ичида тўлаш мажбуриятини олган.

Бироқ ўтган вақт давомида жавобгарлар шартнома бўйича олган мажбуриятини бажармаган ва шунга кўра, даъвогар асосий қарз суммаси ҳамда фоизини ундириш ҳақида асосли равишда судга мурожаат қилган.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 237-моддасида мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди; 238-моддасида мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт, мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак; 327-моддасида эса, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши лозимлиги қайд этилган.

Tahlil, taklif va mulohaza

Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти

амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан баъзи таклифлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасига асосан, амалда ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб, 3 йил ичида тараф назорат тартибидаги шикоят келтириши мумкин.

Апелляция шикояти берилмасдан, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанцияси ажримига нисбатан 1 йил ичида назорат шикояти беришнинг процессуал белгиланиши тарафнинг назорат тартибида мурожаат қилиши учун етарли вақт ҳисобланади.

Лекин кассация инстанциясида кўрилган иш бўйича тараф суд ажримини юқорида қайд этилганидек, кечи билан 8 ой 10 кунда олиши мумкин. Амалдаги процессуал муддатга кўра, тарафда суд қарори устидан назорат тартибида шикоят қилиш учун 2 йил 3 ой 20 кун вақт мавжуд.

Суд амалиётида суд қароридан норози тараф ана шу белгиланган муддатнинг охирини кутиб туриб, назорат тартибида шикоят келтириш ҳолатлари ҳам учрайди.

Масалан, Ф.Н.нинг жавобгар туман ҳокимлиги ва К.Т.га нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича 2011 йил 25 февралда чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан келтирилган шикоят билан апелляция инстанциясида 2011 йил 5 апрелда кўрилган. Тараф томонидан 2014 йилга келиб назорат тартибида шикоят берилган ва мазкур шикоят асосида келтирилган протест вилоят суди назорат инстанциясида 2014 йил 26 февралда кўрилиб, суд қарорлари бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун юборилган.

Маълумки, фуқаролик процессида тарафнинг шикояти ишни назорат тартибида ўрганиш учун асос бўлади. Агар назорат шикояти билан мурожаат қилиш муддати қисқартирилса, ишларнинг узоқ муддат — 3 йил ва ундан ортиқ муддатда кўрилишининг олди олинади.

Юқорида қайд этилганидек, Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб, 3 йил ичида тараф назорат тартибидаги шикоят келтириши мумкинлиги белгиланган.

Лекин процессуал қонунчиликда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси томонидан қабул қилинган қарорларга нисбатан шикоят келтириш, уларни кўриб чиқиш учун муддат белгиланмаган.

Шунинг учун одатда, судлар томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида кўрсатилган муддат умумий қўлланилмоқда.

Фикримизча, қонунчиликда ҳар бир инстанция суд қарорига нисбатан шикоят ёки протест келтириш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари аниқ белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айтайлик, вилоят суди томонидан уч йиллик муддатнинг охирида раёсатда иш кўрилиб, суд қарорлари бекор қилиниб, иш бўйича янги қарор қабул қилинди. Бундай ҳолатда, раёсат қарори юзасидан шикоят келтириш муддати белгиланмаган. Шунга кўра, юқори инстанция судларига қонун бўйича суд қарорини бекор қилиш ва янги ҳал қилув қарори қабул қилиш ваколати берилганидан келиб чиқиб, ушбу қарорларга нисбатан шикоят келтириш ва уларни тегишли суд инстанциясида кўриб чиқиш муддатларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судда кассация инстанциясида иш кўрилганидан (кечи билан 8 ой 10 кун-дан) сўнг амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига асосан, тараф дастлаб назорат тартибида шикоят билан вилоят суди раисига ёки вилоят прокурорига иш юзасидан чиқарилган суд қарорига нисбатан назорат тартибида протест келтиришни сўраб, шикоят билан мурожаат қилиши лозим.

Назорат тартибида берилган шикоятларни ўрганиш муддати ҳам Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида назарда тутилган бўлиб, ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиниб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

Шунга кўра, 8 ой 10 кун + 2 йил 10 ойу 10 кунда шикоят асосида иш назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, тегишли вилоят ёки унга тенглаштирилган суднинг раёсатига протест киритилади. Назорат тартибида протест келтирилган иш амалиётда бир ой ичида вилоят суди раёсатида кўрилади ва шундай қилиб, жами 11 ой 10 кун вақт талаб қилинади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси талабига кўра, вилоят суди раёсати қароридан норози тараф Олий судга ёки Республика Бош прокурорига назорат тартибида протест келтириш ҳақида шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, берилган шикоят ва уни кўриб чиқишга Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида назарда тутилган муддат қўлланилади. Шундай қилиб, назорат тартибида барча инстанция судларига мурожаат қилиш ва иш кўриб чиқилиши учун жами 1 йил 2 ой 10 кун вақт талаб этилади.

Агар мурожаат бўйича жавоблар почта орқали юборилиши, ишларнинг раёсат ёки Олий суд судлов ҳайъати, Раёсати ёки Пленумида кўрилиши қолдирилиши эҳтимолларини ҳам назарда тутадиган бўлсак, бир фуқаролик ишининг барча инстанцияларда кўриб чиқилиши учун 1 йил 6 ой етарли бўлади.

Шунга кўра, Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида қайд этилган назорат тартибидаги шикоят билан мурожаат қилишнинг 3 йиллик муддатини 1 йил 6 ой қилиб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, амалдаги процессуал қонунда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби назарда тутилган, лекин назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилиш муддатини тиклаш ва унинг тартиби белгиланмаган.

Назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилиш муддатини қисқартириш билан бир вақтда, узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тартиби ҳам жорий этилса, низодаги тарафлар назорат тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқларини бирон-бир монеликсиз амалга ошириши учун янада кенг имконият яратилган.

Юқорида қайд этилган қонун билан белгиланган ҳамда суд томонидан тайинланган процессуал муддатларга риоя қилиш фуқаролик ишларининг ўз вақтида қонуний ҳал этилишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланиши билан бирга ишдаги тарафларнинг ортиқча сансалорлигининг олдини олади.

Шунга кўра, фикримизча, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган биринчи инстанция судида иш кўриш муддатини 2 ойгача узайтириш, апелляция ва кассация инстанцияларида иш кўриш муддатларини ҳамда назорат тартибида шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартириш низодаги тарафни вақтида тегишли судга мурожаат қилишга ўргатади, шунингдек, ортиқча сансалорликнинг олдини олади ва фуқаролик ишларини белгиланган муддатларда, қонуний ҳал этишга янада кенгроқ имконият яратади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд судьяси

Mas`uliyat va majburiyat

Йўл ҳаракати қоидалари

унга ҳайдовчиларнинг ҳам, пиёдаларнинг ҳам қатъий амал қилиши хавфсизлик кафолатидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Афсуски, ҳаётда баъзан йўл ҳаракати қоидалари талабларига риоя этмайдиган ҳайдовчилар ҳам учраб туради. Бунга Ф.Алимовнинг қилмишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Гап шундаки, Ф.Алимов таниши С.Раҳимовага тегишли бўлган "Матиз" русумли автоуловни ҳеч қандай ҳужжатларсиз Оҳангарон шаҳридан Тошкент шаҳри томонга бошқариб бораётиб, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 12.1 бандида кўрсатилган, яъни "ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак" деган талабларини қўпол равишда бузади. Оқибатда шу йўналиш бўйича олдинда ҳаракатланиб кетаётган Д.Бозорбоев бошқарувидаги "Спарк" русумли автоулови билан тўқнашиб кетади. Ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида ҳайдовчилар Ф.Алимов ва Д.Бозорбаев тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилади.

Суд Ф.Алимовни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бир қатор моддалари билан айбдор деб топди ва уни 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Бундан ташқари Ф.Алимовдан жабрланувчи Д.Бозорбоев бошқарувида бўлган "Спарк" русумли автоуловига етказилган моддий зарар — 6.440.000 сўм ундирилди.

Айтиш керакки, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 12.1 банди 3-қисмида "ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак" деб қайд этилган. Лекин И.Ўрмонов ушбу талабга риоя қилмагани учун бошқарувидаги "ВАЗ-2106" русумли автомашинада ўз йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб бераётган "Ласетти" русумли автомашинанинг орқа қисмига бориб урилиб, тўқнашув содир этди. Тўқнашув натижасида йўловчи Ш.Раҳимова тан жароҳати олди.

Суд И.Ўрмоновни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддаси билан айбдор деб топди ва унга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир транспорт воситаси бошқарувчиси автоуловда ҳаракатланаётган чоғда ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этса, фойдадан холи бўлмайди. Бунга амал қилган инсон нафақат ўз саломатлиги учун қайғурган, қолаверса, ўзгалар ҳаёти учун ҳам ўзини масъул сезган бўлади.

Акмал ПИРНАЗАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Оҳангарон тумани судининг раиси

тузилган битим

тарафлар манфаатига хизмат қилади

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, даъвогар А.Ёқубов жавобгар Ҳ.Ҳайдаровга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1983 йилда ишлаб чиқарилган "ЗИЛ-138А" русумли автомашина бўйича оғзаки тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ёки 5.000.000 сўм ҳамда сарфланган 5.800.000 сўмни ундириб беришни сўраган.

Аниқланишича, 1983 йилда ишлаб чиқарилган "ЗИЛ-138А" русумли юк автомашинаси Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан 2013 йил 12 октябрда берилган транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига биноан жавобгар Ҳ.Ҳайдаровга тегишли бўлган. 2013 йил сентябрь ойида тарафлар ўртасида низоли автомашинани сотиш ҳақида оғзаки келишув тузилган.

Шунингдек, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган Ҳ.Ҳайдаровнинг тегишли идорага ёзган шикоят хатида А.Ёқубовдан низоли автомашина учун 5.000.000 сўм олганини баён этган.

Бу ҳолат судда ҳам ўз исботини топди.

Шунга кўра, даъвогар А.Ёқубов низоли автомашина учун жавобгар Ҳ.Ҳайдаровга 5.000.000 сўм берганини ва қўшимча равишда низоли автомашинага 5.800.000 сўм сарфлаганлигини баён этиб, олди-сотдини ҳақиқий деб топиш ёки жами 10.800.000 сўмни ундириб беришни сўраган.

Бироқ иш ҳужжатларида тарафлар ўртасида оғзаки келишув тузилганини тасдиқловчи ва айни вақтда исботлаш воситаси бўладиган ёзма далиллар мавжуд эмас.

Зеро, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарорининг 5-бандига асосан, битимнинг тўла ёки қисман бажарилиши ёзма далиллар мавжуд бўлганда эътиборга олиниб, ҳақиқий деб топилиши мумкин. Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддасига биноан қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Гарчи А.Ёқубов ва Ҳ.Ҳайдаров ўртасида автомашина олди-сотдиси бўйича оғзаки келишув мавжуд бўлса-да, пул мажбурияти бўйича вужудга келган келишмовчилик қарз мажбуриятига айланган.

Фуқаролик кодексининг 742-моддасига кўра, тарафларнинг келишувига мувофиқ, олди-сотди, мулкни ижарага олиш ёки бошқа асослар туфайли пайдо бўлган ҳар қандай қарз қарз мажбурияти билан алмаштирилиши мумкин, қарзнинг қарз мажбурияти билан алмаштирилиши ушбу кодекснинг 347-моддасида назарда тутилган мажбуриятни янгилаш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва қарз шартномаси учун белгиланган шаклда бажарилади; 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Суд иш ҳолатлари ва юқорида зикр этилган қонунлар талабига амал қилиб, даъвонинг оғзаки тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги қисмини қаноатлантиришни рад қилиш, даъвогар А.Ёқубов фойдасига жавобгар Ҳ.Ҳайдаровдан 5.000.000 сўм тўланган пул ва Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасига биноан 48.053 сўм дастлаб тўланган давлат божини ундириш ҳақида асосли хулосага келди.

Бундан ташқари суд даъвонинг 5.800.000 сўм сарфланган харажатларни ундириш ҳақидаги қисмини муҳокама қилиб, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун мулкдорнинг розилиги олинмагани ёки тарафлар ўртасида бу ҳақда келишув бўлганини тасдиқлайдиган далиллар мавжуд бўлмагани туфайли, уни рад қилиш ҳақида тўхтамга келди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларга таяниб иш кўрган киши ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳуқуқи бузилмаслигига, бузилган тақдирда ҳам, уни қонуний йўл билан тиклашга, албатта, эришади. Шундай экан, қонунийлик ҳаётимиз мезони бўлса, ҳуқуқларимиз таъминланишини доимо ёдда тутайлик.

Хусан МУЛЛАЖАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Mezon

Мамлакатимизни демократик янгилаш йўлидаги муҳим қадам

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айни пайтда, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституциявий ривожланишининг мантиқий йўлининг давоми сифатида вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни давр тақозо этмоқда.

Зеро, Президентимиз Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат ҳамда қуйи — Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва 2014 йил 17 апрелдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонунда тўлиқ ўз ифодасини топди.

Қонун билан давлат органлари фаолияти устидан фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурати конституциявий норма даражасида мустаҳкамланди. Бу Конституциямизнинг 2-моддасида белгиланган "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деган қоиданинг амалда тўлиқ таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қонун билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ваколатларига оид янги норма мустаҳкамланди. Унга кўра, Конституциянинг 78-моддасида белгиланган палаталарнинг биргаликдаги ваколатлари доираси янада кенгайтирилди. Уларнинг парламент назоратини амалга оширишлари Қомусимизда ўз ифодасини топди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, парламент назорати деганда, қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини парламент томонидан назорат қилиш тушунилади. Парламент назорати институти қонун чиқарувчи орган функциялари орасида, аҳамияти жиҳатидан, қонун чиқариш функциясидан кейин иккинчи ўринда туради, десак муболаға бўлмайди. Шу маънода Конституциямизга парламент назорати институти киритилгани муҳим янгилик бўлди.

Ушбу қонун билан Вазирлар Маҳкамаси, умуман, ижро этувчи органларнинг масъулияти янада оширилди. Бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг фаровон турмуши, ёруғ истиқболига хизмат қилади.

Конституциянинг 103-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, эндиликда вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади. Бундай ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилинади. Бу амалиёт, бир томондан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари масъулиятини оширса, иккинчи томондан, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлайди. Бу эса, вилоят, шаҳар ва туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга ўз ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

Янги қонун ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципнинг амалга оширилишида, шунингдек, у билан бевосита боғлиқ бўлган давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, Конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар Президентимиз томонидан белгилаб берилган ва жаҳонда "ўзбек модели" сифатида тан олинган мамлакатимизни босқичма-босқич ва тадрижий ислоҳ этиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни изчил рўёбга чиқариш, мамлакатимиз барқарорлиги ҳамда халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бахтиёр НОРМАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг судьяси

Jinoyatga jazo muqarrar

Таваккалчиликка асосланган ўйин

қонуний жавобгарликка сабаб бўлди

Халқимиз бекорчилик барча иллатларни келтириб чиқаради, деб бежизга айтмаган. Бу нақлнинг тасдиғини Зокир Эралиевнинг қилмиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Нега деганда, у тўрт мучаси бут, соғ-саломат бўлишига қарамасдан бирон-бир ҳунарни эгаллашни, фойдали меҳнат билан шуғулланишни хаёлига ҳам келтирмасди. Таралабедод юришга одатланиб қолган З.Эралиев охир-оқибат жиноий қилмишга қўл урди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Биз танлаган йўл — энг тўғри йўл

Мангу порлайверсин қуёшинг, Ватан!

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизда 2013 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,8, қишлоқ хўжалиги 6,8, чакана савдо айланмаси 14,8 фоиз ошганининг ўзиёқ бунинг улкан самарасини кўрсатади.

Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг суръати вақтни ҳам шошириб қўймоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги туб ўзгаришлар самарасида юртимиз тобора замонавий қиёфа касб этиб бораётганидан кўз қувонади, дил яйрайди.

Биргина ўтган йили қишлоқ жойлардаги 353 массивда 10 мингта шинам уй-жой барпо этилдики, бу 2012 йилга нисбатан 17 фоиз кўпдир.

Буларнинг барчаси қишлоқларда уй-жой, ижтимоий-маданий, тиббий, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳа объектларини мустаҳкам ҳамда сифатли қуриш, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизматлари каби инфратузилма тармоқларини ривожлантириш имконини бермоқда. Бундай улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар энг улуғ неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги рўёбидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳа ривожига кенг имкониятлар очиб берилди ва уларнинг эркин фаолият юритиши учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур соҳа янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг мустаҳкам омилига айланиб бораётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда биргина жорий йилнинг ўтган даврида 14,3 мингга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилган. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар, хусусан, минглаб мактаб, лицей ва коллежлар қурилгани, реконструкция ва таъмирдан чиқарилгани, замонавий ўқув воситалари ва жиҳозлар билан таъминлангани, болалар спорти мажмуа ва иншоотлари барпо этилгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Спорт юртимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилган. Масалан, 2003-2013 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларни оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, жумладан, 842 минг қиз енортнинг 30 дан ортиқ тури билан шуғулланмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан она ва бола саломатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола муҳофазасини янада яхшилаш, оила институтининг мавқеини оширишга доир самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туғруқхона комплекслари ва болалар тиббиёт муассасаларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос илғор ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш технологиялари жорий этилди. Болалар соғлом туғилиб, вояга етиши, улғайганидан сўнг жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Бундай улкан ютуқ ва марралар юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг қалби ва онгига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақлида катта ҳикмат бор. Дунёнинг айрим жойларида содир бўлаётган кўнгилсизликлар оқибатида аҳолининг ҳаловати бузилган. Деярли ҳар куни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Мактаб, шифохона, маданият ва маърифат масканлари, ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар жойлари харобага айланмоқда. Уруш оловида ёниб кул бўлган шаҳарлар бундан атиги бир-икки йил аввал ҳаёт жўшқин қайнаган обод масканлар бўлганига ишонгинг келмайди.

Бугунги дунёда ўзининг қадр-қиммати, ғурур ва ор-номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг жаҳон узра обрў-эътибори, нуфузи ошиб бораётгани бунга ёрқин мисолдир.

Ҳар бир гўшанинг ўз манзараси ва таровати, ўзига хос жозибаси бор. Бизнинг бахтимиз, толемиз шуки, ана шу юртлар ичида бетакрор, ҳаммамиз учун ягона ва муқаддас бўлган азиз Ватанимиз бор. Шу азиз Ватанга садоқат билан хизмат қилиш бахтига муяссармиз. Унинг тупроғи, бетакрор табиати, бунёдкор халқига ҳаётимизни бахшида қилсак арзийди. Гўзал Ўзбекистонимиз ҳар биримизнинг тақдиримиз, бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

... Хаёллар ҳар тарафга етаклайди. Шу ўйлар билан ишхонага етиб келганимни сезмай қолдим. Машинадан тушарканман, Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасига кўзим тушди.

Бош майдонимизнинг ўзига хос рамзий дарвозасидек салобат тўкиб турган Эзгулик аркасининг тепасидаги парвозга шайланаётган турналар — халқимиз қалбидаги беғубор орзулар, оппоқ лайлаклар эса фаровонлик ва барака тимсоллари сифатида намоён бўлди. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимизнинг бақувват таянчларини ифодалаб турибди. Қуёшнинг заррин нурларида чўмилган бу табаррук ва муаззам даргоҳга қараган ҳар бир одамнинг қалбида Ватан равнақига ҳисса қўшишдек улуғ мақсад жўш уради.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси

G'aroyib olam

Одамзот қадим-қадимдан табиат ҳодисаларини англаб етишга, ўрганишга қизиқиб келган. Албатта, бу қизиқиш бежизга юзага келмаган. Чунки юлдузларнинг жойлашишини ўрганиш зарурат, яъни моддий ҳаёт эҳтиёжи бўлиб, қадимдан одамлар тақвим тузишда, аниқ вақтни белгилашда, саёҳат чоғида ва карвонларни бошқаришда юлдузларга қараб йўналишни белгилашган.

САМО ОЛАМИ МУЪЖИЗАЛАРИ

Аниқланишича, коинотдаги юлдузлар ва сайёралар оралиғидаги масофа шунчалик каттаки, уни ҳатто миллионлаб километрда ўлчашнинг ҳам имкони кам. Шу боис астрономлар янги ўлчов бирлиги — ёруғлик йилини фанга киритишган. Ёруғлик йили — бу ёруғлик нурининг вакуумда бир йилда босиб ўтадиган масофаси бўлиб, нур секундига 300.000 километр тезлик билан ҳаракатланади. Бизга энг яқин ва ёрқин юлдуз бўлмиш Центавр Альфаси ердан 46 триллион километр олисда жойлашган. Аслида юлдузлар олами ниҳоятда турли-туман бўлиб, баъзилари қуёшга нисбатан катта ва ёрқин бўлади.

Ҳайратланарлиси, "Протон юлдузлар" деб ном олган юлдузларнинг зичлиги шу қадар юқори эканки, унинг бир сантиметр куб ҳажми доирасидаги қисми қанча тош босиши тортиб кўрилса, миллиардлаб тоннани ташкил этар экан.

Ҳисоб-китобларга кўра, тунда осмон гумбазида оддий кўз билан тахминан 2,5 мингта юлдузни кўриш мумкин бўлиб, уларнинг кўпчилиги сомон йўли ва унинг яқинида жойлашган. Замонавий телескоп эса, икки миллиард ёруғлик йили узоқлигидаги юлдузлар нурини ҳам илғаш қувватига эга.

Агар нисбатан ёрқинроқ юлдузларга разм соладиган бўлсак, уларнинг ҳаворанг, оқ, сарғиш ва қизил рангдалигини пайқаш қийин эмас. Олимларнинг фикрича, юлдузлар ранги уларнинг сиртидаги ҳарорат даражасига боғлиқ экан. Масалан, ҳаво рангдаги юлдузлар энг иссиқ бўлиб, уларнинг ҳарорати бир неча ўн минг даражага етади. Оқ рангли юлдузларнинг ҳарорати (Сирус ва Вега каби) 10 000 даража, сариқ юлдузларники (Капелла, Қуёш сингари) 6000 даража, Антарес каби қизил юлдузларники эса 3 000 даражадан пастроқ бўлар экан.

Осмондаги юлдузларнинг сон-саноқсизлиги тўғрисидаги тасаввур уларнинг жилваланиши туфайли янада ошади. Яъни юлдузларнинг ёрқинлиги ва ранги ўзгариб турадигандек, улар кечаси жимирлаб жилваланаётгандек туюлаверади. Аслида эса, юлдузлар ва бизнинг ўртамиздаги ҳаво массасининг ҳаракати туфайли шундай манзара юзага келади. Шунингдек, ёруғлиги ўзгариб турадиган юлдузлар ҳам мавжуд бўлиб, улар, табиат қонунига кўра, вақти-вақти билан нур сочиш даражасини ўзгартиради. Бинобарин, юлдузларнинг асосий қисми жуда узоқ йиллар давомида бир тарзда нур сочиб туриши тунги табиий мувозанат барқарорлигини таъминлаб туради.

Айрим юлдузлар қуёшдан кўра минг карра кучли нур таратади. Ер билан улар орасидаги масофа бунда муҳим ўрин тутади. Бизга ёрқин бўлиб кўринган юлдуз яқинлиги учун ёки, аксинча, жуда олисда бўлса ҳам кучли нур сочганлиги туфайли шундай туюлади. Аслида сайёрамизга яқин ҳар 20 та юлдуздан фақат учтасинигина кўз билан илғаш мумкин экан.

Осмондаги энг ёрқин юлдуз — Сириус бўлиб, у катта ит туркумида жойлашган. Бу қўшалоқ юлдузнинг иккинчиси — оқ карлик бош юлдуз атрофини 50 йилда бир маротаба айланиб чиқишга "улгуради". Қизиғи шундаки, улар бир-биридан, Ер билан Қуёшга қараганда, 20 марта узоқликда жойлашган.

Юлдузларнинг ёнилғиси водород саналади ва улар ҳам бошқа ҳар қандай ёнилғи сингари абадий эмас. Яъни водород ёниб тугаса — юлдуз ҳам сўнади. Нисбатан паст ҳароратли ва кичик массали қизил юлдузлар ёнилғини бир мунча секинроқ "сарфлайди" ва шу боис улар узоқ вақт порлаб туради. Сариқ юлдузлар ўртача катталикка эга ва ўртача "умр кўради". Энг оловкор, шу билан бирга катта ҳажмга эга бўлган оқ ва ҳаворанг юлдузларда водород захираси нисбатан тез тугайди.

Баъзида юлдузларга тўла осмонни кузатар эканмиз, ногаҳон ялт этиб нимадир учиб ўтгандай туюлади. Ана шунда "юлдуз учди" деб қўямиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бу фикр ҳақиқатга қанчалик яқин? Аслида, юлдуз эмас, балки унинг жуда кичкина бир қисми парчаланиб, пастга қулайди. Ерга қараб жуда катта (секундига 11-72 километр) тезликда қулаётган юлдуз парчаси ҳавонинг катта қаршилик кучига дуч келади. Шу боис у бир неча минг даражагача қизиб, ерга етиб келмасдан тўлиқ ёниб битади. Бу ёниб ўчадиган газни биз "учаётган юлдуз" — метеор шаклида кўрамиз. Ёрқин метеорлардан сўнг осмонда бир неча сония давомида кучсиз нур сочиб турган изни кўриш мумкин.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Maslahat

Ҳадя шартномаси

уни бекор қилиш мумкинми?

Фуқаролик кодексининг 507-моддасига мувофиқ, ҳадя олувчи ҳадя қилувчи, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атай жиноят содир қилган тақдирда, ҳадяни суд тартибида бекор қилишга йўл қўйилади.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳам, ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя шартномасини бекор қилишни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Бундан ташқари манфаатдор шахснинг талабига биноан суд якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин.

Шунингдек, ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳам ҳадя шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Ҳадя бекор қилинган тақдирда, ҳадя олувчи ҳадя қилинган ашёни, агар у ҳадя бекор қилинган пайтда асл ҳолатда сақланиб қолган бўлса, қайтариши лозим.

Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,
Олий суд катта консультанти

Jinoyatga jazo muqarrar

Таваккалчиликка асосланган ўйин

қонуний жавобгарликка сабаб бўлди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Кунларнинг бирида у "Оқ ариқ" маҳалласида яшовчи таниши Азимжон Дўстназаровнинг уйига меҳмонга боради. Азимжон ҳовлисида чойхона қураётганди. Ўзаро суҳбат асносида З.Эралиев уни саволга тутди:

— Мана шу чойхонани ишга туширсанг, қанча даромад оласан?

— Билмадим. Шуниси аниқки, чойхоначилик билан шуғулланаётган бирон кишининг зарар кўрганини эшитмаганман, — деди А. Дўстназаров.

— Хўп десанг, менда бошқа таклиф бор, — деди З.Эралиев. — Чойхонани қўй. Бунинг ўрнига хўроз уриштирадиган жой ҳозирлаймиз, даромади зўр бўлади. Пулнинг ўзи оқиб келади. Нима дейсан?

Буни қарангки, унинг гаплари Азимжонга ҳам ёқиб тушди.

Шундан сўнг икковлон чойхона қуриш режасини ўзгартириб, цирк аренаси сингари саҳнали майдон барпо этишга киришишди. Саҳнанинг атрофига ўриндиқлар жойлаштиришди.

Шу зайлда миллий ўйин ниқоби остидаги жиноий фаолият астасекин авж олди. Хўроз уриштириш ҳар ҳафтанинг сешанба ва шанба кунлари ўтказиларди. Бунда Зарифжон "ҳакам-"лик қилар, хўроз эгалари ўртага тикилган пулларнинг ўндан бир қисмини унга беришарди. Шу маҳаллада истиқомат қиладиган Д.Ҳидоятов эса, кириш эшиги олдида туриб, томошага келган кишилардан 2000-3000 сўмдан йиғиб оларди. Хонадон соҳиби эса, оила аъзолари билан бирга томошага йиғилганларга турли таомлар тайёрлаб сотиш билан шуғулланарди. Қолаверса, унга ҳар ўйиндан тушган маблағдан 50.000 сўмдан 150.000 сўмгача улуш ажратиларди.

"Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаолларига вақт ўтиши билан З.Эралиев ва А.Дўстназаровнинг асл муддаоси аён бўлди. Яъни улар ўртага катта пул тикиб ўтказилаётган томоша миллий ўйин эмас, балки қимор эканлигини, бу, ўз навбатида, маҳалладаги маънавий-ахлоқий муҳитга, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилишини англаб етишди. Бинобарин, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этганлик ва ўтказганлик учун Жиноят кодексининг 278-моддасида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Айтиш жоизки, мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилиб, ноқонуний равишда таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил қилаётган ва ўтказаётган шахсларга нисбатан қонуний чора кўришни сўради. Ушбу мурожаатга асосан, шу йилнинг 15 февраль куни махсус тадбир ўтказилди. Унда айбдорлар жиноят устида қўлга олинди ва З.Эралиевдан 1700 АҚШ доллари, 109.000 сўм миқдоридаги пул, Д.Ҳидоятовдан эса 68.500 сўм пул далилий ашё тариқасида олинди.

Тергов ва суриштирув ишлари якунлангач, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди учала ҳамтовоққа қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, соғлом турмуш тарзимиз, кўп асрлик миллий маданиятимиз ва маънавиятимизга ёт бўлган қимор ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш жамиятнинг ахлоқий негизига ва ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, турли низоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боисдан З.Эралиев, Д.Ҳидоятов ва А.Дўстназаровлар қилмишига яраша жазоланиши баробарида эл-юрт олдида юзшувут бўлиб қолишди. Шундай экан, ҳар биримиз бундай ножўя қилмишлардан йироқ юриб, ҳалол меҳнат билан эл-юртга наф келтириш умр зийнати эканини доимо ёдда тутайлик.

Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг раиси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОКЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-822. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8889.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 12⁰⁰ Топширилди: 13³⁰